Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 26 МАЙ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (13.170)

Баҳоси эркин нархда

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

Тошкентда "Давлат органлари ва ННТ ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Адлия вазирлиги, ЕХҲТ, Ф.Эберт номидаги жамғармасининг (ГФР) Ўзбекистондаги ваколатхоналари, "Минтақавий мулоқот" халқаро ноҳукумат ташкилотининг (Словения) мамлакатимиздаги филиали, Япониянинг Цукуба университети, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, ННТ ва ОАВ ходимлари, шунингдек, Франция, Германия, Голландия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоя қилинадиган кучли фуқаролик жамияти ривожланаётгани таъкидланди. Бу мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кенг кўламли демократик ўзгаришларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистонда аҳоли манфаатларини қўллаб-қувватлайдиган, мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Уларнинг эркин фаолият юритишига хизмат қилувчи 200 дан ортиқ қонун ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган ҳуқуқий база яратилди.

– Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизимнинг яратилиши ННТ фаолиятини кенгайтириш ва уларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов. – 2008 йил парламент ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди. Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиб, унда депутат ва сенаторлар лойиҳаларни молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги, йўналишлари ва миқдорини белгилайди.

Кейинги етти йил мобайнида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадлари учун ҳар йили давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни очиқ-ошкора, манзилли ва адолатли тақсимлаш доирасида жамоат фонди томонидан 47,7 миллиард сўм маблағ субсидия, грант, ижтимоий буюртма шаклида йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Концепция асосида ўтган давр мобайнида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Конституциямизга киритилган тузатишларга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди. Улар фуқароларнинг ахборот олиш, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият ишларини бошқариш бўйича конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлади.

– Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давридан ўзига хос тараққиёт модели танланган, – дейди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон Мак Грегор. – Бу жараёнда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор бўлгани ва у ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани амалда ўз исботини топмоқда. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ННТларнинг асосий фаолият йўналишига айланган. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани муҳим воқеа бўлди. Ушбу йўналишларда самарали ҳамкорлик ўрнатганимиздан мамнунмиз.

Турли йўналишдаги ННТлар фуқаролик жамиятининг институционал асосини ташкил этади. Улар давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларни аниқлаб, жамиятни уларни ҳал этишга сафарбар қилади. Фуқароларнинг ўз салоҳиятини намоён қилишга хизмат қилади. Кейинги 5 йил ичида ННТлар сони 1,6 бараварга ўсиб, 8,4 мингдан ошди.

– Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиши нафақат аҳоли манфаатлари таъминланиши, балки мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади, – дейди Глобал хавфсизлик ва сиёсат дастури бўйича инновациялар халқаро бошқаруви маркази катта илмий ходими Маргарет Скок (Канада). – Ўзбекистонда ННТлар тармоғи кенгайиб бораётгани, жамият ҳаётининг барча қатламларига кириб бораётгани болалар, ёшлар, аёллар ҳуқуқларини таъминлашга, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётгани диққатга сазовор. Аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни рўёбга чиқаришда бу тизим фаоллик кўрсатаётгани, уларнинг бу фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўзига хос тажриба. Буни ўрганиш, амалга татбиқ этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

Юксак маънавият – енгилмас куч

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КИТОБ – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" асарида инсоннинг маънавий камолотида, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишида, миллатимизнинг руҳи бўлган она тилимизни, халқимизнинг азалий қадриятларини келгуси авлодларга етказишда адабиётнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканига алоҳида эътибор қаратилади.

Дарҳақиқат, китоб инсоннинг маънавий оламини бойитади. Ижодкорлик ва яратувчанлик қобилиятини шакллантиради.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда 9 та нашриёт бўлган бўлса, истиқлол туфайли уларнинг сони юздан ошди. Нашриётларимиз томонидан ҳар йили икки мингдан ортиқ номдаги адабиёт қирқ миллиондан зиёд нусхада нашр этилмоқда. Нашриётларимиз маҳсулотлари Германия, Хитой, Россия ва бошқа қатор давлатларда ўтган халқаро китоб ярмаркаларида совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги "2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори соҳа ривожида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Китоб савдосини ташкил этиш, аҳолига сифатли ва арзон нархлардаги янги адабиётларни ўз вақтида етказиб бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда янги очилган "Китоб олами" маданий-маърифий савдо мажмуаси китобсеварларга ҳақиқий маънода туҳфа бўлди.

Ўзгача услуб ва дизайнда безатилган бу мўъжаз даргоҳ ўзбек, рус, чет эл ва болалар адабиёти бўлимларидан ташкил топган. Бу ерда олти минг номдаги етмиш мингдан зиёд адабиёт мавжуд. Харидорлар дўкондан топа олмаган асарларни буюртма қилиши ҳам мумкин.

Қўлида бир қанча китоблар билан мажмуада айланиб юрган Тошкент педагогика коллежи ўқувчиларига дуч келдик.

– Бадиий адабиётлар, хорижий тилларни ўрганиш учун луғатлар сотиб олдим, – дейди коллеж ўқувчиси Севара Зоҳидова. – Мажмуадаги хотин-қизларга мўлжалланган турли китоблар ҳам жуда манзур бўлди. Пазандаликка қизиққаним сабабли пиширикдар, салатлар ҳақида маълумотлар берилган рисолалар харид қилдим.

(Давоми 3-бетда)

Универсиада – 2016

ФАРҒОНАДА СПОРТ БАЙРАМИ

26-29 май кунлари Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Универсиада — 2016" мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар беллашади.



Дастлаб Универсиада мусобақалари 9 спорт тури бўйича ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб улар 15 тага етди. Булар спортнинг баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш турларидир.

Бу йил еттинчи марта ўтказилаётган универсиада ҳар қачонгидан ҳам завқли ва тантанали бўлиши кутилмоқда.

Фарғонада "Универсиада – 2016" спорт мусобақаларининг шукуҳи ҳукм сураётир. Хиёбону майдонлар кўркам қиёфа касб этган. Гулу гулзорлар шаҳарга ўзгача файз бағишламоқда. Кўчаларда беллашувлар руҳини акс эттирувчи суратлар туширилган баннерлар, паннолар ўрнатилган.

Фарғона, Маърифат, Мураббийлар каби марказий кўчалар тубдан таъмирланиб, қарийб 5 километрлик йўл реконструкция қилинди. Беллашувлар ўтказиладиган 29 объектда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Спорт заллари жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди.

Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти ва бошқа спорт масканлари иштирокчилар учун шай ҳолатда. "Универсиада – 2016" финали қатнашчиларининг яшаши, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун барча шароит яратилган.

Универсиада ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёни ва мусобақалар давомида уни ёритиб борадиган матбуот маркази ва веб-сайт гуруҳи ташкил этилган. Универсиадага тайёргарлик, унинг иштирокчилари, мусобақалар ўтадиган манзиллар ва бошқа маълумотлар билан www.universiada-2016.uz веб-сайт орқали танишиш мумкин.

Мусобақа кундалиги ва натижалари 4 хорижий тилда бутун дунёга тарқатиб борилади.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нурота туманидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тадбир доирасида "Баркамол авлод – келажак пойдевори" номли кўргазма ташкил этилди.

• Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлик" оромгоҳида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ҳамкор ташкилотлар томонидан тайёрланган ва мавсумнинг самарали ўтишида муҳим аҳамиятга эга тарқатма материаллар, дискларга туширилган видеороликлар, йўриқномалар тарқатилди.

• Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтадиган "Универсиада – 2016" спорт ўйинларининг финал босқичига тайёргарлик ва тадбир жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Андижонда ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш орқали давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда ижтимоий шериклик муносабатлари механизми ва шаклларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Самарқандда ўтказилган "Юрт келажаги" кўрик-танловининг вилоят босқичида 500 дан ортиқ иқтидорли ва ташаббускор ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• "Moody`s" халқаро рейтинг агентлиги "Deutsche Bank" (Германия)нинг узоқ муддатли депозит рейтингини "A2" даражадан "A3" даражага пасайтирганини маълум қилди. Бундан ташқари агентлик ушбу молия муассасасининг таъминланмаган қарзларга доир, кредит қобилиятининг таянч базасига оид рейтингларини ҳам туширди.

• Ўтган йили дунё миқёсида аниқланган нефть заҳиралари ҳажми 12,1 миллиард баррелни ташкил этган. Бу 1952 йилдан бери кузатилган энг минимал кўрсаткичдир.

• "Apple" компанияси раҳбари Тим Кук "iPhone" русумидаги мобиль алоқа воситаларини АҚШдан ташқарида қиммат нархларда сотишга мажбур бўлишаётганини, бу эса компания даромадларини оширишга қисман тўсқинлик қилаётганини билдирди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Қонунчилигингизда ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари сифатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғини сақлаш, баркамол авлодни шакллантириш каби масалалар назарда тутилгани эътиборга молик, – дейди Ханянг университетининг Осиё ва Тинч океани тадқиқотлар маркази профессори Бюн Хан Суб (Жанубий Корея). – Чунки ушбу масалалар ечими ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир. Улар Ўзбекистон қонунчилигида акс этгани ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий механизмлари асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал этиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар юксак самаралар бераётир. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунга биноан мамлакатимизнинг барча вилоятларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида Ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари фаолият юритмоқда. Улар ўзаро ҳамкорликнинг устувор соҳаларини белгилайди, ташаббусларни кўриб чиқади. Бир томондан давлат органларининг эътиборини мавжуд муаммоларга қаратади, иккинчи томондан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини асосий ҳудудий давлат дастурларини амалга оширишга жалб қилади.

– ННТлар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, ижтимоий лойиҳалар Ўзбекистонда давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқ, – дейди "Maecenata" филантропия ва фуқаролик жамияти институти директори Руперт Штрахвитц (Германия). – Мамлакатингизда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби катта ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ННТлар иштирокининг ҳуқуқий асоси яратиб берилган. Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида ННТларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун мавжуд. Буларнинг амалий ифодаси кенг тармоқли экологик ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Давлат бу борада жуда катта потенциалдан фойдаланаётгани, уларга зарур барча шарт-шароитни таъминлаб бераётгани ўрганишга арзийдиган тажриба.

Жорий йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, тегишли ҳудудий дастурлар ижросида 352 ННТ, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби йирик ташкилотлар қатнашмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган Ўзбекистон ННТ миллий форумида давлат органлари, вазирлик ва идораларнинг иштирок этиши, шунингдек, турли соҳаларда ижтимоий шериклик ҳақидаги битим ва меморандумлар имзоланиши ҳам анъанага айланди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2015 йил майиюнь ойларида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, сўровда қатнашган ННТларнинг 72 фоизи кейинги тўрт йил ичида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишда иштирок этган. ННТ фаоллари давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан тузилган элликка яқин доимий асосда ишловчи идоралараро комиссиялар (кенгашлар, ишчи гуруҳлар) таркибига киради. ННТ ва давлат органларининг ҳамкорликда ташкил этадиган қўшма тадбирлари ҳам кенг тарқалди, кўп ҳолларда уларнинг ташаббускорлари ННТлардир.

– Ўзбекистонда ННТлар ичида маҳалла институти, унинг аҳоли барча қатлами манфаатларини ҳимоя қилиши эътиборга лойиқ, – дейди Японияда Цукуба университетининг гуманитар ва ижтимоий фанлар олий мактаби доктори Натан Гилберт Куимпо. – Халқингизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассам этган ушбу институт кўмакка муҳтож инсонга ёрдам кўрсатиш, ёшларни етук инсон қилиб тарбиялаш билан бирга давлат органлари бажариши керак бўлган 30 дан ортиқ вазифа ва ваколатни ўз зиммасига олган. Бу бисан маҳалла давлатнинг муҳим таянчига айланган. Албатта, дунёда муқобили бўлмаган ўзбекона маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини чуқур ўрганиш зарур.

– Мамлакатингизда жамият ҳаётининг барча қатламини қамраб олган кенг тармоқли ННТлар жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдик, – дейди Осака университети профессори, "Nonprofit Review" ноҳукумат ташкилоти журнали муҳаррири Наото Ямаучи (Япония). – Бу Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани самарасидир. ННТ соҳасининг фаоллари, халқаро экспертларни жамлаган мазкур йирик анжуман соҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишига хизмат қилади.

Анжуманда Ўзбекистон, Франция, Германия, Голландия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги тажрибаси батафсил кўриб чиқилди.

– Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик фуқаролик институтларининг эркин фаолият юритишига замин яратмоқда, – дейди "MEWA" таълим ва ижтимоий таъминот ассоциацияси бош котиби, Европа истиқбол ва хавфсизлик институти катта илмий ходими Патрисия Лалонде (Франция). – Мамлакатингизга бундан ўн йил олдин келгандим. Ўтган даврда жуда катта ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдим. Бунда демократик ислоҳотлар амалга оширилгани ўзига хос ўрин тутган, албатта.

– Ўзбекистонда яратилган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга қаратилган миллий қонунчилик асослари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мувофиқ келади, – дейди Жамму Марказий университетининг гуманитар ва ижтимоий фанлар мактаби профессор ассистенти Говинд Кумар Инакхия (Ҳиндистон). – Мамлакат Асосий қонунида жамоатчилик назорати институти мавжудлиги фуқаролик институтларига катта ҳуқуқ беради.

Халқаро конференцияда бугунги куннинг долзарб масалалари сифатида аҳолининг ННТ фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш, ННТ раҳбарлари ва ходимларининг касб малакаси оширилиши учун шароит яратиш, барқарор қўшимча молиявий манбаларни шакллантириш каби вазифалар хусусида сўз юритилди. ННТ ходимларининг ижтимоий муҳофазасини, малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. ННТ ва давлат органлари ижтимоий шериклигини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман доирасида "Ёруғ келажак сари – биргаликда!" деб номланган ННТ вакиллари томонидан яратилган ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда "ННТ ҳаётининг бир лаҳзаси" мавзуида фотогалерея ташкил этилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Маҳалла – ҳаётимиз кўзгуси

МУНОСИБЛАР САЙЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга катта эътибор қаратилди. Сайлов жараёнлари очиқлик, ошкоралик ва тенглик асосида ўтиши таъминланди.

Хусусан, Абай номли маҳаллада сайловни талаб даражасида ўтказиш мақсадида маҳалла фаолларидан тузилган ишчи гуруҳлар, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ҳамда туман кўмаклашувчи комиссиялари иштирокида сайловолди тадбирлари, бир қатор учрашувлар ўтказилди.

Қонунларга кўра сайлов жараёнида номзодлар маҳаллий аҳоли ўртасида обрў-эътиборга ҳамда ҳаётий тажрибага эга, фидойи инсонлар орасидан танлаб олиниши лозим. Абай маҳалласида бундай инсонларнинг икки нафари раисликка номзод сифатида кўрсатилди. Сайлов жараёнида иштирок этган 60 нафар вакилларнинг аксарияти Саидакмалхўжа Отахўжаевни ёқлаб овоз беришди.

– Аҳолининг менга ишонч билдирганидан албатта, хурсанд бўлдим, – дейди С.Отахўжаев. – Маҳалла фуқаролар йиғини раислиги жуда масъулиятли вазифа. Ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, тозалик ва озодаликка эътиборли бўлиш, фуқароларни бирдамлик ва аҳилликка чорлашда раислардан фидойилик ва ташаббускорлик талаб этилади. Мен фаолиятим давомида ёшлар тарбияси ва бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратмоқчиман. Чунки, бугунги ёшларимиз қанча билимли, маънавиятли, касб-ҳунарли, ахлоқан етук бўлса, эртанги кунимиз шунча яхши бўлади.

Тадбир жараёнида маҳалла раиси билан бирга унинг маслаҳатчилари ҳам сайланди. Кўрсатилган 22 номзод орасидан 11 нафарига вакиллар томонидан ишонч билдирилди.

* * *

Тумандаги "Нурафшон" маҳалласи аҳолиси ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишди. Бугунги кунда ушбу маҳаллада 546 та якка тартибдаги ва учта кўп қаватли уйларда тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар орасидан 46 нафар вакиллар маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун йиғилди.

Сайловчиларга раисликка номзодларнинг келгусида маҳаллани ривожлантириш борасидаги дастурлари ўқиб эшиттирилди. Ҳар бир сайловчи маҳаллани обод қиладиган, фуқароларни бирдамликка, якдилликка чорлайдиган, ёшлар бандлигини таъминлашга, уларнинг тарбиясига бефарқ бўлмаган, ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришадиган, оилалар мустаҳкамлиги, фуқароларнинг тинч-тотув яшаши учун жон куйдирадиган, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган муносиб номзодга овоз беришди.

Икки нафар номзод орасидан Умид Зокировни "Нурафшон" маҳалласи раиси этиб сайлашди. Шу билан бирга маҳалла раиси маслаҳатчилари лавозимига кўрсатилган 36 номзоддан 18 нафари сайланди.

— Туманимизда 12 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг барчасида сайловлар адолатли ва тенглик асосида ўтди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бектемир тумани бўлинмаси раиси Собир Исмоилов. – Бир нарсани айтиш жоизки, илгарилари раисликка ёши улуғ, тажрибали одамларнинг номзоди кўпроқ қўйилган бўлса, жорий йилги сайловларда билимли, маҳалла фуқароларига намуна бўладиган, олий маълумотли ва ҳурматга сазовор инсонларнинг номзодлари кўпроқ маъқул кўрилди. Ўйлайманки, фуқаролар ишонч билдирган раислар ва уларнинг маслаҳатчилари ўз фаолияти давомида маҳаллани обод қилишга, оилалар тотувлигини таъминлашга, ёшлар бандлиги ва ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Абдуалим САЛИМОВ

БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИН ВА ОБОД

Юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини бориб кўр, деган нақл бежиз айтилмаган. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш борасидаги ишлар ҳам изчил такомиллаштирилмоқда. Бу бозорларимизнинг янада тўкин ва обод бўлиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда.



Ислом Исмоилов олган сурат

Пойтахтимиз жамоли кундан-кунга чирой очмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ҳам Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек, улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари назоратга олиниб, молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишлари аниқланиб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, сифатсиз, қалбакилаштирилган ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга уринган ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларида фаолият юритаётган хўжалик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талаблари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётгани ҳамда тадбиркорларнинг иш фаолиятида учраётган муаммо ва тушунмовчиликлар юзасидан уларга амалий кўмаклар берилаётгани уларнинг эмин-эркин фаолият юритишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури кўпаймоқда, сифати яхшиланмоқда ҳамда нархи арзонлашмоқда. Бу эса аҳолига қатор қулайликлар яратмоқда.

Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳри аҳолисини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, бозорларда нарх-навони мувофиқлаштириш борасида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бўлим томонидан бир қатор назорат тадбирлари ҳам амалга оширилаётир.

Хусусан, Тошкент шаҳар деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини сунъий тарзда ошиб кетиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилинишининг олдини олиш юзасидан мунтазам мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказилиб, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига чек қўйилмоқда. Пойтахтимиз деҳқон бозорлари қошида аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз, нисбатан арзон нархларда етказиб бериш мақсадида "Элга хизмат" шўъба корхонаси ишлаб турибди. Ушбу корхоналар орқали гуруч, картошка, пиёз ва бошқа турдаги полиз маҳсулотлари сотилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар деҳқон бозорларига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидан келтирилиб, арзон нархларда ташкил этилаётган гўшт, тухум ва бошқа асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдоси ҳам назоратга олинган.

Бозорларда олиб борилаётган тадбирлар халқ истеъмол товарлари нархини сунъий равишда ошишининг олдини олишга, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланишига, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

З.МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи

Қонун ва ижро

МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ САМАРАДОРЛИГИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратди. Айниқса, электрон шаклда мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамлангани ортиқча оворагарчиликларга барҳам бераётир.

Пойтахтимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида бу алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ваколатли органларга мурожаат этиш ҳуқуқи тўла таъминланаётир. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида"ги намунавий низом тасдиқланган. Адлия вазирлиги томонидан қонунга шарҳ тайёрланиб, чоп этилган.

Давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини самарали кўриб чиқиш юзасидан ўзига хос тажриба тўпланди. Бу жараёнда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу кундалик ҳаётдаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги, жамият ижтимоий ҳаёти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, давлат органлари томонидан тегишли соҳаларда қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Давра суҳбатида Омбудсманнинг мурожаатларни кўриб чиқиш амалиёти хусусида маълумот берилди. Мазкур тузилманинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг маърузалари ва ҳисоботларини эшитишда парламент назорати функциясини амалга оширишда қўлланилади.

(ЎзА)

ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизмати ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Фонд директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Г.Худоёрова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақил, барқарор тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилаётгани кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Соҳага доир қонунчилик мунтазам такомиллаштирилаётгани, кенг солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилгани самарасида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари сони тобора ошмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун фуқаролик институтларининг жамиятда тутган ўрнини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Анжуманда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

КИТОБ – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни пайтда "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуаси "Ўзбекистон", "Миллий энциклопедия", "Ўқитувчи", Чўлпон, Ғафур Ғулом номидаги ва бошқа нашриёт-матбаа ижодий уйлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Ундан ташқари юртимиздаги юздан ортиқ нашриёт ва муаллифлар билан яхши алоқа йўлга қўйилгани китобхонларга нафақат сифатли, шу билан бирга арзон нархлардаги китобларни харид қилиш имконини бермоқда.

– Зиё масканимизда ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, китобга меҳр уйғотиш, уларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш мақсадида бир қатор ижтимоий акциялар, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, янги асарлар тақдимоти, китоб байрамлари, адабиёт ҳафталиклари, маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда, – дейди "Китоб олами" савдо мажмуаси бош менежери Муҳаммадали Тугалов. – Айниқса, "Китоб ва мактаб", "Китоб ва ҳунар", "Китоб ва спорт" акцияларида ёшлар фаол қатнашди. "Китоб ва мактаб", "Китоб ва ҳунар" акциялари давомида пойтахтимиздаги 286 умумтаълим мактаби, 120 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда китоб савдоси ярмаркалари ўтказилди. Таълим даргоҳларига китоблар жамланмаси етказиб берилиб, кутубхона фонди бойитилди. Бу каби тадбирлар Тошкент вилоятидаги таълим даргоҳларида ҳам олиб борилмоқда. Ёзги таътил кунларида оромгоҳларда ҳам китоб фестивallари, китоб ярмаркалари ўтказиш режалаштирилган.

Мазкур мажмуага келган кишилар "Омадли китобхон" акциясида иштирок этиб, чегирма нархларда китоб харид қилиши, совғалар олиши ҳам мумкин. Ҳар бир байрамда ўзига хос чегирмалар берилиб, тадбирлар ташкил этилмоқда.

Мажмуанинг болаларга мўлжалланган бўлими доимо ёш китобхонлар билан гавжум. Бўлим пештахталарида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган эртаклар, бўяш китоблари, энциклопедиялар, ўйинли нашрларни топиш мумкин. Бу ерда кўзи ожиз болалар учун брайл ёзувидаги эртак ва бадиий китоблар ҳам бор. Ушбу шинам, кенг ва ёруғ хонада болажонларнинг китоблар билан танишиши, мутолаа қилиши учун қулай шароит яратилган.

Дам олиш кунлари болаларга мўлжаллаб ўтказиладиган хайрия байрамлари, китоб акциялари болаларни китоб мутолаасига янада қизиқтириш, уларнинг ёшлик чоғидан бошлаб китобга ошно бўлиб улғайишига хизмат қилаётир.

Дадаси билан китоб харид қилишга келган Фаёзиддинга болалар бўлими жуда маъқул бўлди.

– Бу ердан китобларни ўзимиз танлаб олишимиз, шу ернинг ўзида ўқишимиз мумкинлиги менга жуда ёқди, – дейди Яккасарой туманидаги 160-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Ф.Азимов. – Дарсдан бўш вақтларимда тез-тез шу ерга келиб туришни истайман.

Савдо мажмуасининг ширинсўз, маданиятли, чаққон ходимлари истаган китобингизни топишга кўмаклашиб, китоб танлаш борасида маслаҳатлар беради. Айни пайтда бу ерда йигирма беш киши иш билан банд бўлиб, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида маънавият масканининг ҳудудларда филиаллари очилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоятларида дўконнинг филиаллари иш бошлади.

Бу каби маънавият масканларининг очилиши ёшларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжини қондиришга, уларни китобга ошно этишга, мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "2015-2016 ўқув йили якунлари: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таълим

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Б.Дониёрова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ёшларнинг билимини ошириш, бўш вақтларини унумли ўтказиш, ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Юртимизда 9 минг 692 та умумтаълим, 283 та болалар мусиқа ва санъат, 225 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 4 минг 916 мактабгача таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Мазкур ўқув муассасаларини замонавий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ўқувчилар ҳаракатини назорат қилиш тўгаракларнинг кенгайишини таҳлил қилиш, ўқувчилар бўш вақтларида қандай тўгараклар билан машғулликларини мониторинг қилиб бориш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактаби, болалар ва ўсмирлар мактаби ҳамда "Баркамол авлод" марказлари фаолиятига оид электрон дастур амалиётга жорий этилди.

Бугунги кунда 225 та болалар ва ўсмирлар мактабларида жами 20 940 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларда уч мингга яқин ўқувчиларни қамраб олишга эришилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва бир қатор лойиҳалар асосида ўқув йили давомида 1 минг 220 та умумтаълим мактабида 12 минг 956 компьютер синфи, 2 минг 603 электрон доска билан таъминлаш ишлари олиб борилди. Ўтган 2015 йилда бошланғич синф чет тиллари хоналари 6 минг 775 тўплам, техник воситалари билан жиҳозланди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътилда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун иқтидорли кадрлар, ташаббускор ва изланувчан педагоглар жалб этилаётир. Махсус ишлаб чиқилган концепция асосида ташкил этиладиган машғулотлар, фан ва соҳавий тўгараклар ўқувчиларнинг онг ва тафаккурини теранлаштириш, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳри миқёсида 36 та умумтаълим мактаблари қошида кундузги оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Кундузги оромгоҳларда 4 та мавсум давомида жами 16000 нафар болаларни қамраб олиш белгиланган. Шунингдек, ёзги болалар оромгоҳларига жалб этилмаган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган шароитларни яратиш мақсадида 227-умумтаълим мактабида спортнинг стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол, сузиш, бадминтон турлари бўйича спорт-соғломлаштириш майдончалари ташкил этиш белгиланган.

Таълим муассасаларида шу йилнинг 15 июнидан 15 августига қадар ҳафтанинг душанба-жума кунлари ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда маданий-маърифий ва спорт мусобақалари ўтказилади.

Бундан ташқари халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ва ахборот ресурс марказлари ёз мавсуми давомида болалар учун фаолият кўрсатади.

Албатта бу каби хайрли ва самарали ишлар келажак авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган етук инсонлар бўлиб камолга етишига хизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

Бугунги биз қураётган демократик жамиятда ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир қонун биринчи навбатда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал бориши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп томондан инсонларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ. Чунки юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳисобланади. Шундай экан инсонда ҳуқуқий маданият қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини билиш, улардан фойдалана олиш, виждонан адо этиш асосида шаклланади.

Ҳуқуқий маданият шаклланган жамиятнинг асосий белгиларидан бири бу қонун устуворлиги, қонунга мувофиқлик ва ғайриқонунийликка йўл қўймасликдир. Қонунийлик ҳукмрон жойда тинч-тотувлик, тартиб-интизом ва адолат қарор топади, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади. Ҳуқуқий маданиятли инсон қонунлардан қўрққани учун эмас, балки қонунни ҳурмат қилгани учун ҳам қонун асосида яшайди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан кўришимиз мумкинки, ҳеч бир давлат ёки бирор жамиятда ҳуқуқий маданият ўз-ўзидан қарор топмайди. У таълим-тарбия бериш орқали шакллантирилади. Шу боис юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш аҳоли орасида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш қабул қилинаётган қонунлар, ҳукумат қарорларини аҳолига етказиш, ислоҳот ислоҳот учун эмас авваламбор инсон учун эканлигини англашига ва биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Жамиятимизда ҳуқуқий маданият шаклланганлик даражасини фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишида, айниқса, ўз ҳуқуқларидан онгли равишда фойдаланишларида, мавжуд низоларни ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал қилишда кўришимиз мумкин.

Шундай экан ҳуқуқий жамиятда яшар эканмиз ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз, мажбуриятларимизни билишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Зероки, ҳуқуқий давлатда қурол ҳам қалқон ҳам қонундир.

М.РАФИҚОВА,
Олий ҳарбий божхона институти катта ўқитувчиси
М.ФАРМОНОВ,
шу институт 1-курс тингловчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 27 июнда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади:

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
– ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
– янги иш ўринлари ташкил этиш;
– харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 2 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
– таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил, 27 июнь, куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 2016 йилнинг 4, 25 июль, 8, 22 август кунлари соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар	2722	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Саракўл 2-тор кўчаси, 34-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	4 471 629 100	–энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 2 йил муддат ичида)	
2	2 қаватли бинонинг ертўласи (гараж қисми)	3210	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13а-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	6 279 714 678		
3	Офис ва савдо дўкони мажмуаси	3640	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	12 055 852 700		
4	Маъмурий бино қисми	915	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13а-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	2 462 380 711		

"TURON ZAMIN SERVIS" МЧЖга қарашли автотранспорт воситаларига берилган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Т.Р	Лицензия варақасининг			Транспорт воситасининг	
	Тури	Сериясн	Рақами	Русуми	Давлат рақами
1	Лицензия варақаси	АТ	1410998	КАМАЗ-5410	01W 981 GA
2	Лицензия варақаси	АТ	1411367	ГБАСПГЗИЛ-130	01 B 146 PA
3	Лицензия варақаси	АТ	1439661	КАМАЗ-53212	01 K 258 MA
4	Лицензия варақаси	АТ	1439662	ГАЗ 33021 ГБАСПГ	01J 727 JA
5	Лицензия варақаси	АТ	1439663	ЗИЛ 138А	01 M 974 MA
6	Лицензия варақаси	АТ	1439664	КАМАЗ-53212	01 K 258 MA
7	Лицензия варақаси	АТ	1439665	ГАЗ 33021 ГБАСПГ	01J 727 JA
8	Лицензия варақаси	АТ	1439666	ГБАСПГЗИЛ 130	10 O 436 GA
9	Лицензия варақаси	АТ	1483477	ГБАСПГГАЗ 5312	01J 062 MA
10	Лицензия варақаси	АТ	1483612	ГБАСПГЗИЛ ММЗ-4502	01 E 319 MA
11	Лицензия варақаси	АТ	1483613	ГБАСПГЗИЛ ММЗ-4502	01 E 319 MA
12	Лицензия варақаси	АТ	1483730	ГБАСПГСТРЗИЛ ММЗ 4502	01R 866 OA
13	Лицензия варақаси	АТ	1483862	СПГ ММЗ 45021	01 S 529 BA
14	Лицензия варақаси	АТ	1484085	ЗИЛ 138А	01 P 829 GA
15	Лицензия варақаси	АТ	1484088	ЗИЛ 138А	01 P 829 GA
16	Лицензия варақаси	АТ	1484134	ГБАСПГУАЗ 3960-04	10 Z 761 EA
17	Лицензия варақаси	АТ	1484135	ГБАСПГУАЗ 3960-04	10 Z 761 EA
18	Лицензия варақаси	АТ	1484209	ГБАСПГЗИЛ-130	10 L 039 AA
19	Лицензия варақаси	АТ	1484210	ГАЗ 330210	01W 638 MA
20	Лицензия варақаси	АТ	1484385	ДЭУ ЛАБО ГАЗНГ	01 W 985 JA
21	Лицензия варақаси	АТ	1484386	Форд транзит 100 D	01 A 192 NA
22	Лицензия варақаси	АТ	1484388	ГБАСПГЗИЛ 4331	10X 734 BA
23	Лицензия варақаси	АТ	1484389	ГБАСПГЗИЛ ММЗ-4502	01 U 751 LA
24	Лицензия варақаси	АТ	1523269	ГБАСПГ ЛАБО	01 N 985 JA

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 27 июнда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти тасарруфидаги Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган умумий майдони 2101 кв. метрга тенг давлат мулки бўлган қурилиши тугалланмаган савдо уйи бино-иншооти давлат объектини сотиб олишга таклиф этади.

Мазкур "Объект"нинг бошланғич нархи – **8 098 163 700** (саккиз миллиард тўқсон саккиз миллион бир юз олтмиш уч минг етти юз) сўм.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
– ушбу "Объект" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
– янги иш ўринлари ташкил этиш;
– харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
– таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 27 июнь, куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 11, 25 июль, 8, 22 август кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!
2016 йил 27 июнда "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акциялар пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (сўм)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (сўм)
1	"Ўзбектелеком" АЖ	15	4 904 195	1154	69 237,17	339 552 582 928,15

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz





Ислом ИСмоилов олган суратлар

Танловлар

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР КЎРИГИ

Мана бир неча йиллардан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика танлови ўтказиб келинмоқда.

Мазкур танловдан кўзланган мақсад мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўмак бериш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборатдир.

Танловнинг Мирзо Улуғбек туман босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтказилиб, энг муносиблар аниқланди. "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан танловнинг туман босқичи Мирзо Улуғбек туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳамда "Гулшан" маданият ва истироҳат боғида ташкил этилди. Дунёни лол қолдирган жаддодларимизнинг муносиб авлодлари бўлмиш ўғил-қизлар 11 та йўналиш бўйича ўзларининг архитектура ва дизайн, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар билан иштирок этиб, иқтидорларини кўрсатишди.

Иштирокчилар ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ўз ишларини намойиш қилишди ва улар томонидан берилган қўшимча саволларга ҳам тўғри ва аниқ жавоб беришди. Барча иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар, ғолиблар эса танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди.

* * *

"Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичи Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида ўтказилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида тумандаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази ҳамда 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчи-ёшлари томонидан байрамона дастур намойиш этилди.

Танловнинг туман саралаш босқичида сўзга чиққан Чилонзор туман ҳокими ўринбосари Абдурашид Далабоев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, иштирокчиларга ўзларининг эзгу тилакларини билдиришди.

Тадбир давомида малакали мутахассислар томонидан иштирокчилар учун маҳорат дарслари ўтказилди. Танлов иштирокчилари маҳоратларини йўналишлар кесимида ўз соҳасининг етук мутахассислари, таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари одилона баҳолаб боришди.

— Мамлакатимизда ёш истеъдодларни кашф этиш, уларга ўз қобилиятини намоён қилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни катта, — дейди "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика танлови иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмак бериш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Қизғин тарзда кечган тадбир якунларига кўра жами 40 нафар ёшлар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди. Танлов давомида фаол иштирок этган 60 нафар ёшларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан дипломлар тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

МУЗЕЙЛАР – ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Халқаро музейлар кунига бағишлаб "Музей – тарих кўзгуси" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика "Ҳунарманд" уюшмаси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази, Республика дизайн коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда санъатшунос олимлар, рассомлар, профессор-ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларда тарихий хотира ва миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида музейлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни, Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони миллий музей фондини такомиллаштириш, ундан самарали фойдаланиш ва соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим асос бўлмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида халқимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти ва маънавияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи 300 мингга яқин археологик, этнографик, нумизматик экспонатлар, нодир буюмлар, бадиий асарлар, фотосуратлар, ҳужжатлар ва бошқа тарихий ашёлар сақланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда ҳар йили музейлар ойлиги ўтказилмоқда. Мазкур ойлик доирасида давлат музейлари, галереялар ва уй-музейларда кўргазмалар, турли маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ эшиклар куни, танлов ва викториналар, халқ амалий санъати вакиллари билан учрашувлар, маҳорат сабоқлари ташкил этилмоқда.

Бундай тадбирлар навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, тарихимиздан оқилона хулоса чиқариб яшаш, буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси билан фахрланиш туйғуларини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Дунё мамлакатлари жадал тараққий этаётган бир вақтда юртимизда мислсиз ўзгаришлар юз бермоқда. Янгидан қад кўтараётган бинолар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, спорт мажмуалари, ўйингоҳлар буларнинг барчаси Ватанимиз эртаси эгалари бўлмиш биз, ёшлар учун.

Яратиб берилаётган имкониятларнинг туб негизида аввалambор ёш авлодни ҳам ақлан, ҳам жисмонан камол топишлари ҳамда уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш каби мақсад ва вазифалар ётади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ёшларни бўш вақтларини мазмунли ҳамда унумли ўтказиш мақсадида қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда дастлаб "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши мутахассиси Ш.Шодмонова соғлом турмуш тарзининг аҳамияти хусусида фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Тошкент Педиатрия институти шифокорлари ўз маърузаларида инсонларда учрайдиган турли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ҳеч қандай белги бермайдиган касалликлар, "ОИТС" касаллиги хусусида тўхталиб ўтишди. Ҳозирги кунда долзарб мавзуга айланган қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, бунинг салбий оқибатлари, келиб чиқадиган касалликлар, ногирон фарзандларнинг дунёга келиши ҳамда эрта никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида кўргазмали материаллар орқали батафсил маълумотлар беришди.

Тадбир сўнгида талаба-ёшлар томонидан берилган барча саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

Гулҳаё ЭЛМУРОДОВА

XXI асрда инсоният бир қатор муаммоларга дуч келди. Биргина глобал исиш турли табиий офатларни келтириб чиқараётгани боис минглаб одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Мана шундай вазиятда инсон нафақат ўзини ўзи, балки табиатни ҳам асраб-авайлаши ниҳоятда зарурдир. Аммо таассуфлар бўлсинки, бундай эзгулик ўрнига иллатларга ружу қўйиш авж олаётир. Шундай иллатлардан бири чекишдир.

СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Бир қарашда оддий ҳолдай кўринган чекиш миллионлаб одамлар умрини хазон қилаётганини оддий назар билан илғаш қийин. Статистика маълумотларида келтирилишича, Ер юзида ҳар йили уч миллиондан ортиқ киши чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмаркан. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 8 миллионга етиши тахмин қилинаётир. Шу боис айни пайтга келиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кашандаликка қарши кенг курашмоқда. Бунга дунёнинг йирик ташкилотлари ҳам аралашаётганига эътибор қаратсак, муаммонинг нақадар долзарблиги ойдинлашади. Масалан, 1999 йил 24 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бир овоздан тамаки чекадиганларни назоратга олиш Конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича резолюция қабул қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонунга асосан, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга шундай маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Бундан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли иллатлар таъсиридан асраш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини чуқур сингдиришдир.

Тамаки нафақат чекадиганлар, балки чекмайдиганларга ҳам зарар етказади. Яъни ундан ажралиб чиқадиган тутун саратон, юрак, ўпка касалликлари келиб чиқишига замин яратади. Ташвишли жиҳати, тутун болаларда ўткир респиратор касалликларини келтириб чиқаради ва бунинг оқибатида мурғак чақалоқларда сурункали касалликлар ёки тўсатдан ўлим оқибатлари кузатилиши мумкин.

2016 йил Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб номланди. Бунинг замирида ҳам келажак авлодни маънан баркамол, жисмонан соғлом этиб тарбиялашдек улуғвор мақсад мужассам. Зеро ҳар бир киши фарзандининг соғ-саломат, иллатлардан ҳоли бўлиб вояга етишини истайди. Соғлом фарзанд эса соғлом ота-онадан туғилади. Шундай экан, ота-онанинг соғлом турмуш тарзига бирдек риоя қилишига кўп нарса боғлиқ.

Аммо минг таассуфлар бўлсинки, аёллар орасида ҳам очиқчасига тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш кузатилмоқда, тамаки тутуни таркибида ўсма (саратон) касаллигини юзага келтирувчи 50 дан ортиқ канцероген моддалар бор. Никотин жуда осонлик билан плацентадан ўтади ва шунинг оқибатида ҳомиладаги никотин фоизи онанинг қонидаги никотиндан анча юқори бўлади. Сигарета, папирос, трубка ёки сигарета чекаётган вақтда жуда кўп, никотиндан ҳам зарарлироқ бирикмалар – угар гази, бензопирен ҳамда радиоактив моддалар нафас йўлларига ўтади. Уларнинг бир қисми она ва ҳомила организмида пайдо бўлади. Натижада онанинг қон айланиш тизимида сиқилиш ҳосил бўлади, ҳомила кислород танқислигига учраб, унинг ривожланиши секинлашади. Бунинг таъсирида чекувчи оналардан туғилган болалар кўпинча камвазнли бўлиб, ҳаётга мослашиши қийинроқ кечади. Уларнинг марказий асаб тизимида нуқсонлар бўлади, тез-тез касалликка чалинувчанлиги билан ҳам ажралиб туради.

Халқимизда "Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал", деган нақл бор. Шундай экан, ҳар биримиз соғлом турмуш тарзига риоя этсак, ўзимизнинг юришturишимизни назорат қилсак, айни муддао бўлар эди.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
олий тоифали шифокор, аллерголог

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент вилоятидаги "Дўстлик" стадионида регби-15 бўйича эркаклар ўртасида Осиё чемпионатининг иккинчи дивизион баҳслари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз регби федерацияси ва Осиё регби уюшмаси (ARFU) ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд ва Гуам терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш билан бирга мамлакатимизда қатор спорт турлари, жумладан, регбини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Осиё чемпионатининг иккинчи дивизион баҳслари финал учрашуви Бирлашган Араб Амирликлари ва Таиланд терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Мазкур ўйинда Бирлашган Араб Амирликлари регбичилари рақибларини 70:18 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 10 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сергели туман СИБ томонидан 2014 йил 20 июнь кунги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Барданкўл ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Умумий майдони 196 кв.м. бўлган, 0001 литердаги маъмурий бино. Бошланғич нархи 65 263 761 сўм.
2. Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган, 0002 литердаги қоровулхона. Бошланғич нархи 6 841 109 сўм.
3. Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган, 0003 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 11 695 690 сўм.
4. Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган, 0004 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 18 477 490 сўм.
5. Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона. Бошланғич нархи 20 500 808 сўм.
6. Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган, 0005 литердаги ёрдамчи бино. Бошланғич нархи 3 371 009 сўм.
7. Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган, 0006 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 55 511 537 сўм.
8. Умумий майдони 169 кв.м. бўлган, 0007 литердаги ҳовуз. Бошланғич нархи 19 569 388 сўм.
9. Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган, 0008 литердаги омборхона. Бошланғич нархи 80 028 748 сўм.
10. Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи 189 029 171 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2 А-уйнинг биринчи қавати.

Бошқарма маъмурияти.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **27 май** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 май** ва эрталаб **28 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.55
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ